

САНОАТ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛЛАРИ

У.Р.Каримов

Хўжайли тумани ФВБ бошлиғи ўринбосари, майор.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15608273>

**Аннотация.** Бу мақолада саноат корхона ва ташкилотларини ёнгин хавфсизлигини таъминлашниң ўзига хос йўллари ҳақида сўз етилган.

**Калим сўзлар:** саноат корхона, ёнгин хавфсизлиги тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 30 сентябрь 2009 йилдаги «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Конунида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 272-сонли Қарори билан 2013 йилнинг 4 октябрда тасдиқланган "Давлат ёнгин назорати тўғрисидаги Низом"ларида белгиланганидек, Давлат ёнгин назорати органининг асосий вазифалари ёнғинлар профилактикасини ўtkазиш; қонун хужжатларида белгиланган тартибда ёнғинлар ва ёнгин хавфсизлиги талаблари бузилишига оид ишлар юзасидан суриштирув ўtkазиш; давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорликни амалга ошириш; барча турдаги ёнғиндан сақлаш хизмати бўлинмаларининг ёнғинларни ўчиришга шайлиги ҳолати ва ёнғинлар профилактикаси ўtkазилишига доир ишларнинг бажарилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш; содир бўлган ёнғинларни бартараф этишга шароит яратиш, инсонларнинг хаётини, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ечимини ҳалқ хўжалиги масканларида ёнғин хавфсизлигини олдини олинишини асосий формаси бўлган ёнғин-техник текширувларини сифатини муттасил такомиллаштиришдан иборатdir.

Ёнғин - одамларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига, шунингдек атроф табиий муҳитга зарар етказадиган, назорат қилиб бўлмайдиган ёниш.

Дунё бўйича юз бераётган ёнғинларнинг асосий салмоғи тураг жойларга тўғри келгишига қарамасдан ишлаб чиқариш жараёнларида юз берган ёнғинлардан келтирилаётган зарар миқдорининг катталиги, уларнинг аксарияти техноген ҳалокатларга ҳамда кўп сонли инсонларнинг бевакт ҳалок бўлишига олиб келиши, бу ёнғинларни алоҳида таҳлил қилишни ва тегишли чоралар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда.